



Р И М

(даъво аризаси _____ дан қолдириши тўғрисида)

2022 йил 02 ноябрь

Бекобод шаҳар

4-1106-2203/1353-сонли иш

Бекобод туманлараро иқтисодий судининг судьяси И.Қурбанов раислигида, Ш.Усаржоновнинг котиблигида, аризачи _____

жавобгар _____

_____ банклардаги ҳисобварақалар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан: аризачи вакили _____ (ишончнома асосида) иштирокидаги очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

аризачи _____ (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) банклардаги ҳисобварақалар бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили жавобгар 2022 йил август ойи учун Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этмаганлиги, шу боис судга ариза билан мурожаат қилганлиги, бироқ техник хато сабабли мазкур иш юзасидан ариза икки мартаба юборилганлиги, мазкур иқтисодий суднинг иш юритувида айнан шу даъво бўйича иш кўрилаётганлигини билдириб, ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномани тақдим этди.

Жавобгар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд мажлисида ўз вакилларининг иштирокини таъминламади, даъво юзасидан фикр билдирмади.

Мазкур ҳолатда суд, иш ҳужжатларини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

Аниқланишича, аризачи Тошкент вилоят Давлат солиқ бошқармаси судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар _____

_____ банклардаги ҳисобварақалар бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суднинг 2022 йил 19 октябрдаги ажрими билан мазкур ариза иш юритишга қабул қилиниб, 4-1106-2203/1354-сонли иқтисодий иш қўзғатилган ва иш 2022 йил 02 ноябрь куни соат 15¹⁵ да бўладиган суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинланган.

Яъни, мазкур ҳолатда солиқ органи жавобгарга нисбатан айни бир асос ва айни бир предмет билан 2 марта судга мурожаат этган.

Бундан кўринади-ки, Бекобод туманлараро иқтисодий суди иш юритувида айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги, айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддасининг 1-бандига кўра фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, ҳакамлик суди, арбитраж суди иш юритувида айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, суд аризасини кўрмасдан қолдиради.

Қайд этилганларга кўра суднинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқиб, аризасини кўрмасдан қолдиришни, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, иш бўйича давлат божини ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 6-банди, 108 ва 195-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Аризачи [Redacted] жавобгар [Redacted] банклардаги ҳисобварақалар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан шу суд орқали Тошкент вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш мумкин.

Судья

И.Қурбанов